

ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ОИЛАДА ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИГА ОТА-ОНАЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ

Э.С.Шамуратова - таянч докторант

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Таянч сўзлар: кадрият, оила, фарзанд, таълим ва тарбия, эътиқод.

Ключевые слова: ценности, семья, дети, образование и воспитание, вера.

Key words: values, family, children, education and upbringing, belief.

Ислом кадриятларини ким шакллантириши керак деган масала ўзининг муаммоли жиҳатларини намоён этади. Бу биринчи муаммо. Чунки оилавий тарбия учун малакали мутахассисларни таълим тизими шакллантирмайди. Ота-оналар ислом кадриятлари ва уларни шакллантириш бўйича тегишли билим ва малакаларга, хусусан педагогик билим ва малакаларга эга эмаслар. Ота-оналарнинг баъзилари намоз ўқиши, ислом масалаларига қизиқиши, ислом арконлари борасида маълум ахборотларни билиши мумкин. Аммо, яхлит тарзда ислом педагогикаси ва ислом кадриятлари нима эканлигини уларга ҳеч ким ўргатган эмас. Бинобарин, ислом кадриятларини оилада шакллантириш учун ота-оналарнинг ўзларини маълум билimler билан қуроллантириш керак.

Ота-оналарни ислом кадриятларини оилада шакллантириш жараёнига мақсадли тайёрлаш учун “Ислом кадриятлари ва бола тарбияси”, “Оиладаги педагогик жараён”, “Ислом тарихи”, “Муҳаммад тарихи”, “Ислом дини асослари”, Ота-оналар учун ислом дорилфунуни каби мақсадли ишлаб чиқилган дастурлар асосида ўқув машғулоти, семинарлар, саволларга жавоблар, учрашувлар, давра суҳбатлари, муаммоли оилалар билан индивидуал ишлаш жараёнлари ташкил қилинишидир.

Ўзбекистонда сўнгги вақтларда ота-оналарни таълим ва тарбия жараёнига тайёрлаш ишларида ўзгаришлар мавжуд. Масалан, 2018 йил 3 декабрда Мактабгача таълим муассасининг Кузатув кенгаши ҳақидаги Низом тасдиқланди. Унга кўра, мактабгача таълим тизими тарихида илк маротаба ота-оналар ва жамоат тузилмалари Мактабгача таълим муассасининг бошқаруви бўйича ваколатга эга бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 19 июль 2018 йилдаги 554-сон қарори билан Фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Ота-оналар университети»[2] жамоатчилиги тузилмаси тўғрисида намунавий низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да [3] ёшлар таълими ва тарбияси бугунги ривожланишнинг энг устувор йўналиши эканлиги қайд этилди. Замонавий таълим ва тарбия жараёнини эса ислом кадриятлари, тафаккури ва гуманитар кадриятлари тизими, ислом ахлоқидан айри ҳолда тушунтириш ва англаш мумкин эмас. Ислом кадриятлари инсон тарбиясининг узвий таркибий қисмидир. Бинобарин, бугунги авлодларни, айниқса оилавий таълим ва тарбия жараёнида ислом кадриятлари асосида тарбия қилиш давр талабидир.

ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

фарзанд тарбиясига етарли эътибор бермаётган ота-оналар билан ишлаш, фуқаролар йиғинидаги оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш;

фарзанд тарбияси жараёнида ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, оилада соғлом маънавий муҳитни таъминлашга кўмаклашиш.

Мустақиллик йилларида диний эътиқоднинг роли масалалари қайта баҳоланди, дин тарихи ва унинг жамият ривожига, инсон дунёқарашидаги ўрни янгирақ идрок этилди. Динларнинг тарихига оид

масалалар мактаб таълимида бошлаб олий таълимгача бутун маориф тизимининг турли босқичлари ўқув дастурларига киритилди. Ўқув жараёнига биринчи бор киритилган таълим дастурлари ва янги предметларда динга янгирақ ёндашувлар ўз аксини топди. Улар орасида диншунослик, ислом дини тарихи, жаҳон динлари тарихи фанлари бор. Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида ислом дини асослари, давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари, диний муассасаларнинг хозирги замон жамиятидаги ўрни ва роли каби муаммолар янгирақ ечимини топмоқда.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзланган нутқи ислом кадриятларини ўрганишни энг долзарб вазифалар қаторига қўшади. Президент нутқида Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик”[1] деб номланган резолюциясини қабул қилиш таклифи берилди. Шундан сўнг мазкур резолюция маъқулланиб, қабул қилинди. Шунингдек, ислом маданияти ва кадриятларини шакллантиришнинг замонавий аҳамиятига кенг тўхталиб, “Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради” деб таъкидланди. Бинобарин, замонавий дунёнинг энг зарарли ғояларидан бўлган терроризм, экстремизм, фундаментализм кабиларга қарши айнан ислом дини қарашлари асосида, ислом кадриятларига таянган ҳолда курашиш зарур, ислом динини нотўғри талқин қилинишларига қарши ислом кадриятлари асосида болаликдан соғлом иммунитетни шакллантириш соғлом жамиятни бунёд қилишга тенг келади.

Ислом дини қоидалари бўйича фарзандларни тўғри тарбия қилиш ота-оналарнинг муқаддас бурчи саналади. Уларнинг ичида болаларда ахлоқ, одоб ва эътиқодни тарбия қилиш энг бирламчи вазифалар қаторидан ўрин олади. Тарбиянинг асоси оила деб таъкидланади. Замонавий жамиятларда оила ўз фарзанди тарбиясида таълим тизими, яъни мактаб, ўқитувчилар ҳамкорлигида ривож топади. Ота-она ўз зиммасидаги мана шу муқаддас бурчни англаши ва қабул қилиши тақозо этилади. Болага Аллоҳ томонидан баъзи лаъкатлар, характер, истеъдодлар берилган бўлади. Улар Аллоҳнинг неъматлари сифатида қабул қилиниши талаб этилади ва уларни ривожлантириш зарур. Бола тарбиясининг муҳим ижтимоий аҳамияти мавжудлиги тан олинади.

Қадриятлар масаласи муҳим ижтимоий воқелик бўлиб, бевосита инсон яшаган ва тарбия қилинган муҳит билан алоқадор ва унга бевосита боғланган воқеликдир. Шу нуктаи назардан, оилавий кадриятлар шахс кадриятларининг асосидир. Қадриятлар тизими, замонавий жамиятлар нуктаи назаридан, қуйидагиларни, бизнинг фикримизга кўра, ўз мазмунига қамраб олади:

инсоннинг шахсий кадриятлари;

инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги билан боғлиқ кадриятлар;

инсоннинг меҳнати ва иқтисоди билан боғлиқ кадриятлар;

инсоннинг индивидуал камолоти ва ижтимоий мавқеи, тинчлиги билан боғлиқ кадриятлар;

инсоннинг ҳузур-ҳаловати билан боғлиқ «гедонистик» кадриятлар;

қобилияти ва истеъдоди билан боғлиқ интеллектуал

кадриятлар;

хис-хаяжон, туйғулары билан боғлиқ «эмоционал» кадриятлар;

шахснинг атроф-мухит, ватан, давр, оила ва турмуши, севги-мухаббати, ота-она ва фарзандлари, турмуш гўзаллиги ва бошқалар билан боғлиқ кадриятлар;

шахснинг эркинлиги, озодлик, тенглик, эътиқод, ахборот олиш, мулкка эғалик қилиш, яшаш жойларни танлашдаги мустақиллиги, дахлсизлиги билан боғлиқ кадриятлар;

шахсий масъулият, яъни ижтимоий заруриятни англаши, унга амал қилиши, тартиб-интизоми, орномуси, бурчи, виждони, кадр-қиммати ва бошқалар билан боғлиқ кадриятлар;

шахсий масъулият, яъни ижтимоий заруриятни англаши, унга амал қилиши, тартиб-интизоми, орномуси, бурчи, виждони, кадр-қиммати ва бошқалар билан боғлиқ кадриятлар;

шахснинг нафосати, маънавий гўзаллиги, эстетик туйғуси, диди, маданияти, ўзига, ўзгаларга, табиат ва ташки мухитга нисбатан нафосатли муносабатига алоқадор кадриятлар;

ва ниҳоят, шахснинг диний эътиқоди ва диний эрки билан боғлиқ ҳолда ривожлантирилган диний кадриятлари.

Бирок, шунини таъкидлаш жойизки, диний кадриятлар инсон ва унинг жамиятдаги ҳаёт тарзи, истаклари ва орзулари, ижтимоий қонунларининг барчасини ўзида яхлит тарзда мужассам қилганлиги боис, юқорида санаб ўтилган барча ва таъкидланган кадриятлар мазмунини ва хусусиятларини ҳам ўзида мужассам қилади.

Шундай қилиб, ислом кадриятлари асосидаги бола тарбиясида қуйидаги аспектларга эътибор қаратиш ва уларни назарга олган ҳолда оилавий таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш тақозо этилади:[4]

диний-маърифий ва диний-маънавий омил: болани энг кичиклик давридан оқ имон ва эътиқодга жалб этиш, унга ислом асослари, тарихи, фикҳ нормалари, Пайғамбар ибрати ва шариат аҳкомлари мавжудлигини, улар асосида ҳаёт кечириш чин мусулмонлик белгиси эканлигини тушунтириш ва англаш. Маданий ва маънавий соҳа билан боғлиқ тарзда ислом кадриятларининг амал қилиши учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш тақозо этилади, улар: а) кишиларнинг ижтимоий онги билан боғлиқлик; б) кишиларнинг муносабати ва фаолияти орқали амалга ошиши; в) моддий ва маънавий соҳадаги бирор натижа, бойлик ва бошқалар тарзида намоён бўлиш. Ислон дини маънавий бойлиқнинг моддий бойлиқдан устунлиги тамойили асосига қурилган бўлади. Болаларда ҳам айнан мана шу тамойил тарбия қилиниши шарт.

маънавий-ахлоқий: болага ахлоқий-маънавий нормаларни сингдириш, улар мажмуининг боланинг яшаш принциплари айланишига эришиш, уларнинг бола шахсининг бош йўналтирувчи ва ҳаёт мезони бўлишини таъминлаш (ота-онага ҳурмат, тинчлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, гуноҳ ишлардан қочиш, савоб амалларни қилиш, тўғрисиқлик, меҳр-муруватлилик, қамбағалларни суяш, ижтимоий ҳимоя, таълим ва тарбия олиш в.х.). Маълумки, ахлоқ кишиларнинг хатти-ҳаракатларини маълум бир тамойиллар, социум, яъни ижтимоий борлик, жамият талабларига мувофиқлаштириш эҳтиёжи сифатида юзага келган. Демак, ахлоқий кадриятларнинг моҳиятини жамият ва шахс манфаатидан ташқарида қидириш мумкин эмас [6:52]. Ахлоқий кадриятлар ислом маънавиятининг асоси саналади. Ахлоқий кадриятлар ўз генезисига мувофиқ жамият талаблари ва ҳолати, социум билан узвий боғлиқ, шунинг учун унда

кечадиган трансформация жараёнлари, туб ўзгаришлар, ижтимоий борлик кадриятлар тизимига ўз салбий ёки ижобий таъсирини ўтказади. Ҳаттоки шахс ахлоқидаги ўзгаришлар ҳам ижтимоий борлиқдаги жараёнларнинг маълум бир инъикоси сифатида келади. Масалан, бугунги ёшларда бойлиқнинг кадрият даражасига кўтарилганлиги, бироқ бойлик ҳеч бир тарихий даврда кадрият даражасида амал қилмаганлиги, аслида эса бойлиқнинг шахс имкониятлари кўрсаткичи эканлиги. Илмий-педагогик адабиётларда ахлоқий кадриятларга эзгулик, бурч, виждон, шаън, идеаллар, адолат, бахт-саодат, масъулият, тартиб, ирода каби категорияларнинг киритилиши кенг тарқалган. Профессор Х.О.Шайхова, уларга меҳр-мухаббат, қарамлилик, мулойимлик, сабр-бардошлилик, билимдонлик, юртпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, садоқат, ибо, ҳаё каби ҳислатларни ҳам киритади [5:24-28]. Бинобарин, ислом ахлоқи ҳам инсон ва жамият амал қилаётган, идеал билган, ўз хатти-ҳаракатлари, ҳулқ-атворлари ва муносабатлари билан ўзлигини намоён қилиш кадриятдир. Шахс мазкур кадриятларни тайёр тарзда топади, шахсдан болалик давридан оқ уларни ўзлаштириш, ўзининг идеалини, онгини ва ҳаёт тарзини, хатти-ҳаракатларини уларга мослаштириш, ўзини тарбия воситасида мавжуд ахлоқий тартибларга адаптациялаш талаб этилади. Аммо жамият, социум ахлоқий кадриятларга бефарқ қарай олмайди, жамият уларга ҳаётини норматив моҳият, ижтимоий йўналтирилганлик бахш этади.

интеллектуал салоҳиятни ўстириш: турли илмларни мақсадли ўрганиш, атроф мухитни ўрганишни Аллоҳнинг сифатларини ўрганиш ва уларнинг намоён бўлишига тенглаштириш, илм ва динни тенг олиб кетишга ўргатиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаслик, илмни ҳаётнинг мезони, бахтли ҳаёт асоси, дунёни англаш йўли, қалб осудалигининг негизи деб билиш ва илмга интилиб яшаш (Илм истаб то Чин юр – Ҳадис). Ушбу ҳолатни таҳлил қилишда илмий билишнинг системалилик, яъни тизимлилик хусусияти ва методик жиҳатдан билиш жараёнининг усуллари бўлган - алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик, бутун ва бўлак категорияларининг диалектикасига асосланиш зарур. Шахснинг интеллектуал кадриятлари унинг лаёқати, қобилияти, билим, истеъдоди, уларни рўёбга чиқариш имконияти, жамиятга ақл ва ақлий меҳнатга бўлган зарурият ва талаб ҳамда бошқа шарт-шароитлар билан узвий боғланган воқеликдир. Бу кадриятлар билан боғлиқ муаммолар ижтимоий билимларнинг азалий мавзуларидан биридир. Қадимги Греция ва Рим фалсафасида ҳам, Шарқ ва Осиё мутафаккирлари қарашларида ҳам инсон лаёқати, ақли, қобилияти, истеъдоди, салоҳиятининг аҳамияти ва қадри ғоят баланд, деб баҳоланган. Ақл барча даврларда энг зарур кадрият сифатида тарихдан ўрин олган. Ҳозирги замонда инсоннинг бу соҳадаги кадриятлари аҳамияти ниҳоятда кучайиб бормоқда. Бундай шароитда интеллектуал кадриятларни таҳлил қилиш муаммолари катта аҳамият касб этмоқда. Аллоҳ инсонга имон бериш баробарида, унга ақл ҳам берганлиги борасидаги оятлар бандасининг интеллектуал ривожланиши ислом кадриятларида нақадар улуг баҳолалини намоён бўлади;

жисмоний кучли бўлиш ва соғломлик: ислом дини инсонга жисмоний бақувват бўлишни буюрган, бунинг учун инсонга меъёрлар белгиланган, меъёрлар қуйидаги жиҳатларга қаратилган: жисмоний тарбия, озик-овқат истеъмол қилиш, уйдаги меъёрларни сақлаш, ақлий ва жисмоний меҳнат мувозанати, руҳий зўрикмаслик в.б.

руҳий-психологик кадриятлар: улар инсоннинг соғлом, мувозанатдаги ҳаёти мезони саналади, улар

болада ботирлик, жасурлик, мустакиллик, ўз кучига кўрсата олиш, меҳнатсеварлик каби хислатларни ишонч, янгиликка интилиш, меҳрли бўлиш, мурувват тарбия қилиш учун ички замин ва асос ролини ўйнайди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. / “Маърифат”, 2017, 20 сентябрь.
2. www.norma.uz/qonunchilikda-yangi-ota-analar-universiteti-farzand-tarbiyasida-muammosi-bulgan-oilalar-bilan-shugullanadi
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил. 8 февраль. № 28 (6722);
4. Саҳиҳи Бухорий. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008; Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. – Т.: “Фафур Фулом”, 1993;
5. Шайхова Х. Ўзбек аёли – одоб тимсоли. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. 24-28-б.
6. Рўзиева Р.Х. Жамиятнинг маънавий янгилинишида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш масалалари. Фалсаф. ф. докт. ... автор. -Тошкент: 2012. 52-б.

РЕЗЮМЕ

Мақсуд мақолада ислом қадриятларини оилада шакллантириш жараёнига ота-оналарни мақсадли тайёрлаш масалалари ҳақида сўз боради. Фарзанд тарбияси жараёнида ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, оилада соғлом маънавий муҳитни таъминлашга кўмаклашиш масалалари таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена целенаправленной подготовке родителей к процессу формирования исламских ценностей в семье. Процесс воспитания помогает проанализировать проблемы оказания помощи родителям в обеспечении здоровой духовной среды в семье.

SUMMARY

The article focuses on the purposeful preparation of parents for the process of forming Islamic values in the family. The process of upbringing helps to analyze the issues of assisting parents in providing a healthy spiritual environment in the family.

MAKTABLARDA TEXNOLOGIYA DARSLARI JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASHNING AHAMIYATI

T.Shamuratova - katta o'qituvchi

A.Qurmanov - katta o'qituvchi

M.Amanbaev - katta o'qituvchi

N.Yuldasheva - talaba

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: ma'lumotlarni izlash, saqlash, qayta ishlash va ulardan maqsadli foydalanish, kreativ fikrlash, kompetentlik.

Ключевые слова: поиск информации, сохранение, обработка и его целевое использование, креативное мышление, компетентность.

Key words: searching for information, conservation, processing and its target use, creative thinking, competency.

Jamiyatda insoniyat hayoti rivojlangan sari barcha sohalar qatorida ta'lim sohasi, uning tizimlari, yoshlarga ta'lim-tarbiya berish jarayoni va usullari milliy an'analarimizni saqlagan holda takomillashib boradi. Chunki har bir mamlakatning rivojlanishi, jahon hamjamiyatida tutgan o'rni, mavqeyi hudud aholisining intellectual salohiyati bilan belgilanadi. Shu bois mamlakatimizda jismonan va ma'nan sog'lom barkamol avlodni tarbiyalash, zamonaviy talabga mos yetuk kadrlar tayyorlash vazifasi nisbatan talabchanlik, mustaqil fikrlash, ijodkorlik qobiliyatlari shakllanadi. Bu usulning ta'lim tizimiga joriy etilishi ta'lim-tarbiya jarayonining barcha sohalarini jadallashtirish, uning sifat va samaradorligini oshirish, o'quvchilarni axborotlashgan jamiyat sharoitiga mos yashash hamda faoliyat olib borishga tayyorlash masalalarini qamrab oladi.

Hozirgi globalashuv jarayoni kechayotgan tarixiy davrda jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, hayotimizga turli yangiliklarning kirib kelayotganligi, ularni anglash, tahlil qilish zaruriyati ta'lim-tarbiya tizimini yangi texnologiyalar asosida o'zgartirishni taqozo etmoqda. Maktabdagi texnologiya fani darslarida ham axborot-kommunikatsiya vositalaridan foydalanish, “inson-mashina” usullarini tatbiq etish yoki “O'qituvchi-o'quvchi-kompyuter” o'rtasidagi muloqot asosida ta'lim-tarbiya berish usuli keng qo'llanilishi kerak. Bundan maqsad texnologiya fanida qandaydir buyum tayyorlashda uning har xil variantlarini tayyorlash bo'yicha keng ko'lamli va mustahkam bilim, ko'nikma, malaka, qiziquvchanlik, tashabbuskorlik, texnologiya fanidan amaliy darslarda bo'ladigan muammolarni hal etishda aniq maqsadga intilish va shaxsiy hayotga nisbatan talabchanlik, mustaqil fikrlash, ijodkorlik qobiliyatlari shakllanadi. Bu usulning ta'lim tizimiga joriy etilishi ta'lim-tarbiya jarayonining barcha sohalarini jadallashtirish, uning sifat va samaradorligini oshirish, o'quvchilarni axborotlashgan jamiyat sharoitiga mos yashash hamda faoliyat olib borishga tayyorlash masalalarini qamrab oladi.

Maktabda texnologiya fani darslari jarayonida kompyuter texnologiyasidan foydalanish o'quvchilarda quyidagi jihatlarni shakllantirish imkoniyatini beradi:

-o'quvchilarda fanlar aro bilimiga ega bo'lish ehtiyojini

shakllantiradi;

-o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtiradi;

-o'quvchilarda fanni o'rganishga qiziqishni oshiradi;

-ta'limda o'quvchining individuallik darajasini oshiradi;

-o'quvchilarning ijodkorlik qobiliyatini rivojlantiradi;

-tayyorlanilayotgan buyumning xilma-xil shakllarining yaratilishini ta'minlaydi;

-ta'limda foydalaniladigan o'quv materiallari va xom ashyolarning turli xillaridan foydalanish doyrasini kengaytiradi.

Bu jihatlarni texnologiya darslarida o'quvchilarda shakllantirish uchun texnologiya fani o'qituvchisi o'zi o'quvchilarning o'y-kechinmalari, quvonch va tashvishlarini tushuna olishlari, hamkorlik, o'quvchilarning yosh va individual xususiyatlarini e'tiborga olishlari, shuning bilan birga har qanday holatda ruhiy muhitni boshqara olishi va hissiy sifatlarga ega bo'lishi lozim.

Texnologiya fani o'qituvchisi o'z sohasiga taalluqli bo'lgan axborotlarni izlash, saqlash, qayta ishlash va ulardan maqsadli foydalanish mahoratini egallashi, kasbiy faoliyatida asosli mustaqil qarorni qabul qila olishi, raqobatbardosh kasbiy tayyorgarlikka ega bo'lishi, yangi zamonaviy bilimlarni tezkor ilg'ay olishi, o'z ustida ijodiy ishlashi va faoliyatini ilmiy, hayotiy tajribalar asosida tashkillashtira olishi zarur. Bundan tashqari hozirgi zamon texnologiya fani o'qituvchisi kasbiy-axloqiy xususiyatlarni o'zlashtirgan, fan bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarni yangi nostandart vaziyatlarda qo'llay olish salohiyatiga, yuksak pedagogik qobiliyatlarini namoyon etish, loyihalash va rejalashtirish bilan bog'liq amaliy ko'nikmalarga ega bo'lishi shart. Texnologiya fani o'qituvchisi uchun kompyuter zamonaviy o'qitish usuli xisoblanib gina qalmaq, uning kasbiy mahoratini oshirib, takomillashtirib borishiga imkoniyatlar yaratishi kerak. “Kompyuter texnologiyasi” texnologiya fani o'qituvchisiga har bir mavzu uchun o'quv ma'lumotlarini kengaytirib berishga sharoit yaratadi: buyumlarning rasmlarini rangli ko'rsatish, tayyorlanish ketma-ketligini eskizlari bilan ko'rsatish,